

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 15 декабрь, № 240 (6423) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# САНОАТНИНГ ЯНГИ ТАРМОҚЛАРИ

## юқори сифатли ва жаҳон стандартларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминламоқда

*Мамлакатимизда аҳолининг ҳаёт даражаси йил сайин юксалиб, турмуши тобора фаровонлашиб бораяпти. Бунга ҳар биримиз кундалик ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз. Оилаларнинг автомобиль, холодильник, телевизор, шунингдек, кир ювиш машинаси, чангюткич, микротўлқинли печь, шахсий компьютер ва бошқа зарур уй-рўзғор жиҳозлари билан таъминланиш даражаси муттасил равишда ошаётгани ана шундан далолат беради.*

**МОДЕРНИЗАЦИЯ**



Бу инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган юртимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Дарҳақиқат, одамларнинг оғирини енгил қилаётган бундай маиший техника воситаларининг аксариятини ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ички бозорни юқори сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлаяпти. Яқинда эса саноатнинг мазкур жабҳасига ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар сони яна биттага кўпайди.

Гап шундаки, Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллиги арафасида “Жиззах” махсус индустриал зонасида “Roison Home White Goods” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳа “Roison Electronics” ҳамда “Roison White Goods” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан Буюк Британиянинг “Fortalia Consult LLP” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз ташаббуси билан саноатни ривожлантириш, унинг юқори технологияли тармоқларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Айниқса, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратилиб, чет эллик инвесторларга кўплаб имтиёзлар тақдим этилаётгани истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли рўёбга чиқаришда қўл келмоқда.

— Лойиҳанинг умумий қиймати 26,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, унинг ижросига ўтган йилнинг сўнгги чорагида киришилган эди, — дейди қўшма корхона директори Миракмал Ҳидоятов. — Дастлаб корхонамиз учун ажратилган бино қайта реконструкция қилиниб, қўшимча иншоотлар тикланди. Ушбу мақсадларга 6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Натижада кўркам қиёфа ва барча коммуникация-муҳандислик тармоғига эга замонавий корхона бунёд бўлди.

Чиндан ҳам, корхона биносига кирган кишининг баҳридили очилади. Кенг, ёруғ ва озода цехлар Италиянинг “Candy” компаниясида ишлаб чиқарилган илғор технологик ускуналар билан жиҳозланган. Ишчиларнинг меҳнат қилиши учун эса барча шарт-шароит мавжуд.

Лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида 124 та иш ўрни яратилди. Қувонарлиси, уларнинг 80 фоиздан ортиғига касб-ҳунар коллежлари битирувчилари жалб этилди. Корхона жамоасининг ғайрат-шижоати, интилувчанлиги туфайли совутқичларнинг саккиз, кир ювиш машиналарининг олти, электр плиталарининг 22 тури, шунингдек, турли ўлчамдаги электр духовкалар, ҳар хил кучланишдаги кондиционерлар, 19 дюймдан 65 дюймгача бўлган телевизорлар ишлаб чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

*Пойтахтимизда “Дахлдорлик ҳисси билан Ватан равнақи сари” шиори остида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари IV Миллий форумининг республика босқичи бўлиб ўтди.*

# Ватан равнақига дахлдорлик ҳисси

## нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий мезонидир

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Экологик ҳаракат, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа ҳамкорлар томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакат парламенти, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган Миллий форумнинг дастлаб жойларда ҳудудий босқичлари бўлиб ўтди. 2,5 мингдан ортиқ ННТ ва давлат органи вакилларини қамраб олган ҳудудий форумларда мамлакатнинг ижтимоий, социал-иқтисодий ҳамда маънавий юксалишида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг аҳамияти, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда ННТни янада фаоллаштириш, мазкур институт ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги амалий чора-тадбирлар ўрганилди. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида рўёбга чиқарилган саъй-ҳаракатларга баҳо берилди. Ижтимоий шериклик ҳақида меморандум ва келишувларга эришилди, жамоат ташкилотларининг бу борадаги илғор тажрибалари намойиш қилинди.

Айни жараён юксак савияда ташкил этилган Миллий форумнинг республика босқичида янада қизғин тус олди. Унда давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари, демократик ислоҳотларни амалга оширишда ёшларнинг фаоллигини кучайтириш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасидаги дастур ҳамда лойиҳаларни ижрога йўналтиришда ННТ иштирокини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-гуманитар масалаларни ҳал қилишда фуқароларнинг кўнгилли ва хайрия фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари атрофлича муҳокама этилди. Бу тадбир юртимизнинг барча ҳудудидан келган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларига ўз фаолиятларидаги ютуқ ҳамда долзарб вазифалар юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкониятини бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда барча жабҳада қонун устуворлигини таъминлаш, инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати ҳамда бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият даражасига кўтариб, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш юзасидан изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини такомиллаштириш, бу борада яратилган қонунчиликни амалиётга татбиқ этиш, фуқаролар фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш замирида ҳам, аввало, инсон манфаатлари устуворлигини кафолатлаш мақсади мужассамлаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

**ТАНЛОВ**

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан “Энг намунали бошланғич ташкилот” республика кўрик-танлови якуний босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.*

# Энг намунали бошланғич ташкилотлар тақдирланди

Унда қатор вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар ва ижтимоий шериклар, иш берувчилар ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб тарзда касаба уюшмалари, хусусан, бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаоллигини янада ошириш, уларнинг ишчи ва ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш йўналишидаги ишларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга қаратилган тизимли саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Бунинг натижасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилаяпти.

Жорий йилнинг 9 ойида касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида имзоланган жамоа шартномалари ҳамда келишувлари орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига қарийб 79,2 миллиард сўмлик ижтимоий кўмак берилишига эришилгани бунга яққол мисолдир.

(Давоми 2-бетда).

Индонезия матбуоти:

# «Маҳалла институти — Ўзбекистон замонавий бошқарув тизимининг ноёб элементи»

Яқинда Индонезиянинг “UGnews” газетаси саҳифаларида “Маънавий-маърифий қадриятларни асрабавайлаш ва мустаҳкамлашда маҳалла институтининг аҳамияти” сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Унда истиқлол йилларида Ўзбекистонда маҳаллалар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётгани баробарида, ҳамжиҳатлик муҳитини ҳамда аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшаётгани таъкидланган.

“Маҳалла институти Ўзбекистондаги замонавий бошқарув тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, — деб ёзилади Индонезия нашрида. — У аҳолини давлат органлари билан боғловчи ўзига хос кўприк вазифасини бажармоқда. Маҳалла фуқароларни ўзлари яшаб турган ҳудудда кенг қамровли вазифаларни ҳал қилиш мақсадида бирлаштириш орқали жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш бўйича ҳуқуқларини амалга оширишга замин яратади”.

Мақолада жамият маданий тараққиёти даражасини юксалтириш, маънавий-маърифий қадриятларни авайлаб асраш ва мустаҳкамлашда маҳалла институтининг аҳамиятига юксак баҳо берилган.

Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилгани қаламга олинган. Маслаҳатчилар оила ва жамиятда тинчлик ҳамда осойишталикни мустаҳкамлаш, ёшларнинг соғлом ва баркамол ўсиб-улғайишлари учун хавф солаётган турли ёт қарашлар ҳамда одатлардан ҳимоя қилиш бўйича иш олиб боради. “Мазкур лавозимга ҳаётий тажрибага эга ва аҳолига, биринчи навбатда, ёшларга ижобий таъсир ўтказишга қодир бўлган энг фаол ҳамда обрўли фуқаролар тайинланади”, дея таъкидланади нашрда.

Шунингдек, “UGnews”да маҳаллаларда аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод билан ишлаш бўйича турли комиссиялар ташкил қилингани ҳам қайд этилган. Газетада болалар тарбияси масаласи ҳамда оилавий ришталарни мустаҳкамлашга кўмак берувчи “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси тадқиқ этилиши лозим бўлган, эътиборга лойиқ тажриба сифатида қаламга олинган. Шунингдек, маҳаллаларда коллеж ва лицей ўқувчилари учун мунтазам равишда ўтказиладиган семинарлар ҳақида ҳам алоҳида фикр юритилиб, унда ёшлар ишга жойлашиш ва ўз шахсий бизнесларини йўлга қўйиш бўйича зарур маълумотларга эга бўлиши таъкидланади.

(Давоми 2-бетда).

# Обод юрт истиқболи

*“Юракдан чиққан, самимий айтилган гап юракка етиб боради”, дейишади. Президентимизнинг ҳар бир чиқишида илгари суриладиган фикр-мулоҳазалар халқимиз қалбидан чуқур жой олишининг боиси шунда, деб ўйлайман.*

**ДИЛ СЎЗИ**

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ҳам катта ҳаяжон билан тингладик. Рост-да, бугун дунёнинг кўплаб минтақаларида сиёсий қарама-қаршиликлар юз бермоқда. Минглаб оилалар бошига мусибат тушаяпти, гўдаклар қони тўкилаётир. Жаҳон молиявий инқирози манаман деган мамлакатлар иқтисодиётини издан чиқариб, танг аҳволга солмоқда. Ана шундай вазиятда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, ободлик ҳамда фаровонликнинг қадрини англамаслик, бу билан фахрланмаслик мумкинми?!

Таълим тизими вакили бўлганим учун, кези келганда, шу соҳада эришилаётган оламшумул ютуқларимиз ҳақида ҳам тўхталгим келади. Мамлакатимизда ўқитиш сифатини бундай юксак даражага кўтараётган омиллар кўп, лекин уларнинг энг асосийси Президентимиз маърузасида яққол ифодасини топган. Дарҳақиқат, бундан 18 йил олдин Кадрлар тайёрлаш, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурларини қабул қилганимиз, таълим-тарбия соҳасида эски қолип ва асоратлардан холи бўлган, бугун ўзгаларнинг ҳавасини келтираётган янги тизимни ҳаётга татбиқ этганимиз, ҳақиқатан ҳам, тарихий воқеа бўлганини бугун барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Масалан, кўп йиллик педагоглик фаолиятимдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ҳеч қачон ёшлар камолотига, ўқитувчи меҳнатига бугунгидек эътибор қаратилмаган. Янги қурилаётган таълим муассасалари ва уларда фарзандларимизнинг чет тилларни ўрганиши, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириши, спорт билан шуғулланишлари учун яратилаётган шароитлар ёки ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимидаги ўзгаришлар — буларнинг барчаси навқирон авлод вакилларига кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик намунасидир. Бинобарин, бугун Ўзбекистон таълим тизимига бутун дунё катта қизиқиш билан қарамоқда.

(Давоми 3-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

Жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида Ўзбекистон Миллий автомагистрали таркибидаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида

**1 триллион сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилди.**



*Бу 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурига киритилган лойиҳалар, хусусан, янги автомобиль йўлларини барпо этиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш бўйича белгиланган ишларни ўз вақтида бажаришда муҳим омил бўлди.*

# Ватан равнақига дахлдорлик ҳисси

## нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий мезонидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда алоҳида қайд этганидек, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти халқ ҳокимиятининг муҳим элементи сифатида конституциявий мақомга эга бўлди, ана шу конституциявий тузатишни ривожлантириш бўйича қабул қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”-ги қонунлар ҳамда бошқа кўплаб қонунчилик ҳужжатлари фуқаролик жамиятини юксалтиришда, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишда фуқаролик институтлари ролини кучайтириш борасида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди.

— Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқларини, давлат ва жамият қурилишидаги ваколатларини кенгайтиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база нодавлат нотижорат ташкилотларининг барқарор ривожланиб боришига замин яратмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Худоёр Мелиев. — Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби соддалаштирилди. ННТнинг давлат рўйхатидан ўтиши тўғрисидаги адлия органларига қилинган мурожаатларини кўриб чиқиш муддати 2 ойдан 1 ойга қисқартирилди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, аёллар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар учун тегишли имтиёзларнинг назарда тутилгани яна бир эътиборли жиҳат ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда 8 минг 300 дан зиёд ННТ фаолият кўрсатаётгани, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга татбиқ этишда уларнинг ҳиссаси ортиб бораётгани ҳар томонлама пухта ўйланган қонуний шарт-шароитлар ҳамда берилаётган имтиёз ва имкониятларнинг ёрқин ифодасидир.

Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотларига моддий ҳамда молиявий кўмак кўрсатиш бўйича ўзига хос ва самарали миллий инфратузилма шакллантирилганига алоҳида урғу берилди. Жумладан, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан олтита танлов ўтказилиб, 277 ННТнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Ушбу лойиҳаларнинг асосий қисми “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган мақсад ҳамда вазифалар билан уйғундир.

— Моддий-техника, ахборот ва услубий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватланиши натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлари бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини асраш, эҳтиёжманд қатлам вакилларига ижтимоий кўмаклашиш, спортни ривожлантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хусусий тадбиркорликни равнақ топтириш, бандлик даражасини ошириш ва бошқа йўналишлардаги долзарб масалаларни ечишда фаол қатнашмоқда, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Гулрухсор Ҳотамова. — Сўнгги уч йилда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик давлат дастурларини амалга оширишга жалб этилган нодавлат нотижорат ташкилоти сони 1,6 маротаба ошгани, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшаётган ННТ сафи ҳам сезиларли даражада кенгайиб бораётгани ушбу институтнинг жадал равнақ топаётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”-ги Қонун нормаларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари ташкил қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига доир стратегиянинг самарадорлигини оширишга хизмат қилаяпти.

— 2007 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган ташкилотимиз ёшларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш мақсадига йўналтирилган қатор лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиб келмоқда, — дейди Тошкент вилоятидаги “Умид нурлари” ННТ директори Нодир Мажидов. — Мисол учун, “Соғлом оила — юрт таянчи” номли лойиҳамиз доирасида ижтимоий акциялар, давра суҳбатлари ва илмий-амалий анжуманларни ташкиллаштирдик. Бу тадбирларда 12 мингдан ортиқ йигит-қизлар иштирок этди. Жорий йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан ўтказилган аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга қаратилган грант танловида ғолиблар қаторидан жой олдик. Айни кунларда ушбу йўналишда ёшлар, айниқса, қизларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оид лойиҳамизни бажаришга киришганмиз. Таъкидлаш ўринлики, мана шундай муҳим тадбирларни ижтимоий шериклик асосида самарали амалга оширишимизда, меморандумлар имзолашимизда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясининг ёрдами катта бўлмоқда.

Миллий форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танлови ғолибларига жами 1,5 миллиард сўмлик давлат гранти сертификатлари топширилди.

Тадбир доирасида имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Раҳмдиллик, ҳамдардлик ва ҳомийлик” хайрия ярмаркаси ҳамда “ННТ олами” фототақдимоти ташкил этилди. Турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар меҳнатининг маҳсули бўлган либослар, ҳунармандчилик, заргарлик намуналари ва ННТнинг ижтимоий ҳаётда олиб бораётган хайрли ишлари акс этган фотосуратлар барчада илиқ таассурот қолдирди.

Шунингдек, “Ижтимоий тадбиркорлик — давр талаби” шиори остида ўтказилган ярмаркада ўндан зиёд ННТ вакиллари хотин-қизлар бандлиги, болалар саломатлиги, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид лойиҳаларини тадбиркорлар эътиборига ҳавола этди. Тадбир якунида ННТ ҳамда тадбиркорлар ўртасида энг яхши лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро келишувларга эришилди.

— Анъанавий Миллий форум фуқаролик жамияти институтлари фаоллиги ортаётганини, жумладан, уларда ишлаётган ходимларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганини кўрсатмоқда, — дейди Сурхондарё вилоятидаги “Аёл ва замон” нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Гулнора Хўжаниёзова. — Бу галги форумда ҳам юртимизнинг турли ҳудудларидан келган жамоат ташкилотлари, давлат тузилмалари вакиллари ижтимоий-иқтисодийислоҳотлар самарадорлигини ошириш, давлат органлари ва ННТ ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятида шаффофликни таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежини тамомлаб, ушбу корхонага ишга кирдим, — дейди Гулшода Мавлонова. — Қисқа муддат ичида малакали мутахассислардан турли русумдаги совутқичларни йиғиш сирларини ўрганиб олдим. Бугун эса мустақил равишда фаолият кўрсатаяпман. Ўз меҳнатим билан жамиятимизга, қолаверса, оиламга наф келтираётганимдан мамнунман.

Устувор режага кўра, корхонанинг навбатдаги




Шерзод НАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

# САНОАТНИНГ ЯНГИ ТАРМОҚЛАРИ

## юқори сифатли ва жаҳон стандартларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминламоқда

босқичи 2016 йилнинг биринчи ярмида ишга туширилади. Замонавий прессловчи ускуналар, маиший техникаларни бўяш линияси фойдаланишга топширилиши ҳисобига 230 тага яқин иш ўринлари яратилиб, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 350 нафарга етади.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда маиший техникалар учун зарур бутловчи қисмларнинг 45 фоизи шу ернинг ўзида тайёрланмоқда. Келгуси йилдан эътиборан эса маҳаллийлаштириш кўлами ўртача 65-70 фоизга чиқиши кутилаяпти. Хусусан, электр плиталар учун барча эҳтиёт қисм ва бутловчи буюм корхонада ишлаб чиқарилади.

Қисқача айтганда, “Жиззах” махсус индустриал зонасида рақобатдош ва экспортбоп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида умумий қиймати 88,7 миллион долларлик, шу жумладан, 51,6 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, 17 та лойиҳа амалга оширилгани бунинг исботидир. Пировардида мобиль телефонлар, тикув машиналари, барча турдаги транспорт воситаси учун тормоз колодкалари, керамик плиткалар, сантехника буюмлари, чарм ва пойабзал маҳсулотлари, диодли лампалар каби импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Эътиборлиси, бундай истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича саъй-ҳаракатлар асло сусайтирилгани йўқ. “Roison Home White Goods” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси ана шундай изланишлар меваси бўлиб, унинг жамоаси тез орада экспортчилар сафига қўшилишга интилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Индонезия матбуоти:

# «Маҳалла институти — Ўзбекистон замонавий бошқарув тизимининг ноёб элементи»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Бугун Ўзбекистонда маҳалла ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари туфайли ҳаётга Ватан тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олиш билан бирга, келажакда сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги туб ислоҳотларни давом эттиришга тайёр бўлган, мустақил фикрлайдиган янги авлод кириб келмоқда”, дея ёзилади Индонезия газетасида.

Ўзбекистонда 2014 йил декабрь ойида ташкил этилган, ўз кўрсатувларини кечаю кундуз телетомошабинлар эътиборига ҳавола этаётган “Маҳалла” маърифий телерадиоканали ҳақидаги маълумотлар ҳам мазкур мақолада ўз ифодасини топган. Унда ушбу каналнинг асосий вазифаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилишида улар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан кенг жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланган. “UGnews”да “Маҳалла” газетаси ҳам мунтазам ахборот олишнинг муҳим манбаи сифатида эътироф этилган. Бугунги кунда унинг саҳифаларида ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий мавзудаги ранг-баранг мақолалар чоп этилаётгани индонезиялик ўқувчиларга маълум қилинган.

**«Жаҳон» АА.**
Жакарта

# Энг намунали бошланғич ташкилотлар тақдирланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, 1 минг 774 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ва уй-жой қурилиши учун 33,2 миллиард, 721 нафар ходимга сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан 2 миллиард 787 миллион сўмдан зиёд фоизсиз ссудалар берилди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларда ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш йўналишида ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда. Бевосита бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иштирокида корхоналарда уч босқичли маъмурий-жамоатчилик назорати йўлга қўйилди. Шунга мос равишда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари касаба уюшмаси хизмати билан янада кенгроқ қамраб олинаётир. Пировардида уларда меҳнат қилаётган ходимлар жамоа шартномаларида назарда тутилган имтиёз ва кафолатлардан тўлиқ фойдаланмоқда.

Ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган “Энг намунали бошланғич ташкилот” кўрик-танлови муайян натижаларга эришган бошланғич касаба уюшма ташкилотларини аниқлаш, уларнинг илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тўрт босқичда ташкил этилган жорий йилги танловнинг қуйи босқичларида 19,5 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар қатнашди. Улар орасидан саралаб олинган 24 таси республика босқичида иштирок этди.

Қатнашчилар фаолияти махсус комиссия томонидан чуқур таҳлил қилиб чиқилди. Хусусан, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва ташкилий масалалар ҳамда тарғибот-ташвиқот йўналишидаги ишлари атрофлича ўрганилди. Бунда, айниқса, меҳнат жамоаларининг ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасидаги натижалари, ишчи ва ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари, янги иш ўринлари очишдаги иштироки ҳамда жамоа шартномасига риоя қилиниши асосий мезон ҳисобланди. Ходимлар ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов низомидан келиб чиққан ҳолда, саноат ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳа йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланиб, улар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир доирасида намунали бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ҳам ташкил этилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● Тошкент давлат юридик университетида Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий масалалари” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

**● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш жараёнида лизинг хизматларининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

● “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий марказида ҳарбий хизматчилар оилалари учун тиббий текширувлар уюштирилди.

**● Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятининг 2015 йил якунлари ва 2016 йилдаги долзарб вазифаларига бағишланган республика семинари ташкил этилди. Унинг доирасида соҳада самарали меҳнат қилаётган тўгарак раҳбарлари, педагоглар “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.**

● Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Бухоро вилоятининг Ромитан туманида ёшлар маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

*Ёшлар ижод саройида Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлаб умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган “Конституциямиз — бахтимиз пойдевори” кўрик-танловининг мамлакат босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

# Баркамол авлод — келажак таянчи



Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар навқирон авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етишини таъминлаш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлашди.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармойишига мувофиқ, “Конституциямиз — ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати” шиори остида ҳуқуқий, маданий-маърифий тадбирлар ойлиги эълон қилинган эди. Ойлик доирасида барча умумтаълим мактабида Асосий Қонунимизни ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига чуқур сингдиришга қаратилган семинарлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ўтказилди. Конституциямизда белгиланган принцип ва қоидаларнинг мазмун-моҳиятини ёшларимиз пухта ўрганишида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Адлия вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида уюштирилган “Конституциямиз — бахтимиз пойдевори” кўрик-танловининг ҳам аҳамияти катта. Унинг қуйи босқичларида 4 миллион нафардан зиёд ўғил-қизлар қатнашди.

Танловда Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Хумора Сайдуллаева иншо йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Наманган туманидаги 22-умумтаълим мактаби ўқувчиси Зарифа Ўринбоева ва Навоий шаҳридаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчиси Озода Ўроқова кейинги ўринларни эгаллади.

Тасвирий санъат йўналиши бўйича Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилдора Абдусалимова ғолибликка эришди. Бухоро шаҳридаги 34-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шерзод Зоиров иккинчи, Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқувчиси Хосият Ҳайитбоева учинчи ўринга сазовор бўлди.

— Конституциямиздаги барча моддани билиш ва унга тўлиқ риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир, — дейди ўқувчи Хумора Сайдуллаева. — Ижодий ишимда айни шу мавзуда фикр-мулоҳазаларни билдириб, тенгдошларимни ҳам чуқур ҳуқуқий саводхонликка эга бўлишга чорлаганман. Ўзим келгусида олий ўқув юртида таҳсил олиб, ҳуқуқшунос бўлиб етишмоқчиман.

“Конституциямиз — бахтимиз пойдевори” кўрик-танлови ғолиб ва совриндорлари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 15 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1998,86 | 1 Исландия кронаси | 21,55 | 1 СДР | 3869,80 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4221,78 | 1 Канада доллари | 2024,36 | 1 Туркия лираси | 937,91 |
| 1 Дания кронаси | 408,33 | 1 Хитой юани | 430,44 | 1 Швейцария франки | 2820,95 |
| 1 БАА дирҳами | 756,91 | 1 Россия рубли | 40,19 | 1 евро | 3049,63 |
| 1 АҚШ доллари | 2780,05 | 1 Украина гривнаси | 116,51 | 10 Жанубий Корея вони | 23,47 |
| 1 Миср фунти | 355,05 | 1 Малайзия ринггити | 644,13 | 10 Япония иенаси | 229,57 |
| | | 1 Польша злотийси | 698,19 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

СЕМИНАР

*Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида тарихан қисқа даврни босиб ўтган бўлса-да, халқимиз ўтмиши жуда узоқ асрларга бориб тақалади.*

# Номоддий маданий мерос

## халқимизнинг бебаҳо бойлигидир

Буни аждодларимизнинг маданий мероси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда ана шу бебаҳо бойликни чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва асраб-авайлашга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, истиқлол шарофати билан Шашмақом, Катта ашула, Бойсун маданий муҳити, Аския, Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олди. Қувонарлиси, мазкур йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, яқин истиқболда дорбозлик ҳамда халқимизнинг миллий таоми — палов пишириш санъатини ушбу рўйхатга киритиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаяпти.

Жиззах давлат педагогика институтида Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан "Номоддий маданий мерос намуналари муҳофазаси" мавзуида ўтказилган республика ўқув-семинарида ана шу хусусида сўз юритилди. Тадбирда номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг асосий мақсад ва вазифалари, бунга эришишда маҳалланинг роли, Зомин ўланчилик мактабининг ўзига хос хусусиятлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилди. Жиззах фольклор-этнографик жамоаларининг чиқиши эса тадбирга янада файз киритди.

**Қ. ТОЖИЕВ.**

# Болалар шаҳарчаси

*Болажон халқмиз. Шу боис энг яхши неъматларни улар билан баҳам кўришга, ўғил-қизларимизнинг ёруғ ва фаровон келажагини таъминлашга интиламиз. Қувонарли жиҳати, миллатимизга хос бундай эзгу анъана ва фазилатлар истиқлол йилларига келиб давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Баркамол авлод орзуси — энг устувор мақсадимизга айланди.*



ҒАМХЎРЛИК

Хива туманининг Эски Қиёт қишлоғида 20-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун янги Болалар шаҳарчаси қуриб фойдаланишга топширилгани ҳам бу борадаги юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Етти гектар майдонни эгаллаган кўркам масканда навқирон авлод вакилларининг жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишлари учун барча қулайлик муҳайё этилди.

Шаҳарчага қадам қўяр эканмиз, бу ердаги обод манзарадан кўзимиз қувнайди. "Ирдимзон қурилиш" хусусий корхонасининг моҳир бинокорлари томонидан 140 нафар тарбияланувчига мўлжаллаб барпо этилган 18 та коттежнинг ҳар бири муҳташам кошонани эслатади. Ҳудуд атрофидаги майдонлар, равон йўллар, ички ва ташқи коммуникация тизимлари замонавий меъморчилик анъаналари асосида тикланган. Энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган компьютер хонаси, спорт зали, ёпиқ сузиш ҳавзаси, футбол, волейбол, баскетбол ва махсус ўйин майдончалари ҳамда маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 200 ўринли зал болажонлар ихтиёрида.

— Одатда, ота-онасиз вояга етаётган болалар меҳр-муҳаббатга ташна бўлиб улғайишади, — дейди 20-Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак. — Негаки, оила — муқаддас қўрғон. Унда нафақат ота-она, балки ака-ука, опа-сингилнинг ўз ўрни бор. Бу кўринмас ва сирли ришта ота-онасиз болажонлар кўзларида мунг, кўнглида ўксиклик уйғотади. Шу боис давлатимиз ташаббуси билан ташкил этилган шаҳарчамизда оила муҳитини яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Яъни бу ерда ҳар бир ўғил-қизнинг ўз онаси, ака-укалари, опа-сингиллари бор. Улар учун шаҳарчадан уй-коттежлар ажратилган. Яшаш шароитлари ҳам шунга мос. Масалан, она — фарзандларни тарбиялаш учун масъул. Бунинг учун махсус педагог-тарбиячи жалб қилинган. У шу ерда яшаб, оилага бошчилик қилади. Хонадоннинг каттароқ аъзолари — фарзандлар онага дастёр, ука-сингилларига меҳрибон кўмакчи.

Яқинда мазкур шаҳарчанинг тантанали очилиш маросими чинакам шодиёнага айланди. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар болажонлар кўнглига янада кўтаринки кайфият бағишлади.



Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Обод юрт истиқболи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ёшларимиз илм-фан чўққиларини ўзлаштириш баробарида, касб-ҳунар сирларини ҳам пухта эгаллашаяпти. Мустақил ва янгича фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз камол топмоқда. Шунинг ўзи эртанги кунимизнинг энг мустаҳкам пойдевори эмасми, дея ҳаммамизнинг кўнглимиздаги гапни айтдилар Юртбошимиз.

Президентимиз таклифига биноан, 2016 йил мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинди. Бу таклифни юртдошларимиз қатори, умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган биз, ўқитувчи ва мураббийлар ҳам беҳад мамнуният билан қарши олдик. Зеро, халқимизда таркиб топган анъанага мувофиқ, бола саломатлиги учун у ҳали туғилмасидан анча аввалдан бошлаб қайғурилади. Ёшларни ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга қаратилган кўламли вазифалар, репродуктив саломатлик, фертиль ёшидаги аёлларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар умуммиллий дастурларда алоҳида таъкидланган.

Инсон борки, орзу-мақсадларга талпиниб яшайди. Поёнига етиб бораётган йилда халқимиз ўз олдига қўйган жуда катта марраларга эришди, эришмоқда. Янги йилдан кутаётган орзу-умидларимиз эса янада юксак. Ана шу улуғвор мақсадлар рўёбига муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Саломат АБДУҚОДИРОВА,**
**Оҳангарон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси,**
**«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Грецияда ишсизлик даражаси, қисман бўлса-да, пасайишда давом этмоқда.*

# Ишсизлик камайди

Жумладан, сентябрда бу борадаги ҳолат аввалги ойдаги 24,7 фоиздан 24,6 фоизга тушган. Мамлакат миллий статистика агентлигининг билдиришича, бу 2012 йил июнь ойидан бери қайд этилган энг паст кўрсаткичдир. Ўшанда ишсизлик 24,9 фоизга тенг эди.

Греция иқтисодиёти барқарорлашиб бораётганига қарамай, 2016 йилда унинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми қисқариши тахмин қилинаяпти.

# Маркетинг самараси

*Дунёдаги энг йирик либослар дўконлари тармоғидан бири — "Zara"нинг эгаси "Inditex" компаниялар гуруҳи (Испания) жорий йил тўққиз ойида 2,02 миллиард евро миқдорида соф фойда кўришга эришди.*





Европада илиқ об-ҳаво туфайли қишки кийимларга бўлган талабнинг тушиб кетишига қарамасдан, ушбу жамоанинг оқилона маркетинг сиёсати иқтисодий муваффақиятни таъминлаяпти. Гап шундаки, у Хитой бозорига эътиборни кучайтирмоқда. Сабаби Чин ўлкасида Ғарбнинг люкс классдаги брендларидан кўра, арзон ва қулай нархлардаги тўқимачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ошиб бораяпти.

Бу борадаги ўсиш 20 фоизни ташкил қилди. Савдо ҳажми 16 фоиз ортиб, 14,7 миллиард еврога етди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.

# Кунлар узаядими?

*"Гардиан" нашрининг ёзишича, АҚШ, Канада ва Франция геофизиклари ўзига хос ҳодисани кашф этишди.*



Уларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, XXI асрда бир кеча-кундузга камида беш миллисония қўшилиб бормоқда. Келгуси юз йил ичида Ер ўқи Шимолий қутб тарафдан бир сантиметрга силжиб, ҳаракатланиши бир оз секинлашади.

Олимлар музликларнинг эриш суръатларини тадқиқ қилиш жараёнида ана шундай маълумотга эга бўлдилар.

# Даромад ошиши кутилмоқда

*Жаҳон бозорларида нефть нархининг арзонлашиши ва саёҳат қилишга бўлган талабнинг ортиши туфайли келгуси йилда авиакомпаниялар оладиган даромад ҳажми ошиши кутилмоқда.*



Бу ҳақда Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA) томонидан тайёрланган маърузада баён қилинган. Ташкилот экспертларининг прогнозига кўра, 2016 йилда қарийб 260 компаниянинг соф фойдаси миқдори рекорд даражада ўсиб, 36,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Жорий йилда ушбу кўрсаткич 33 миллиард долларга тенгдир.

Фаолияти янада жонланадиган авиаташувчиларнинг ярмидан кўпи Шимолий Америка вакиллари бўлади.

# Кунига бир донадан

*Олимларнинг аниқлашича, кунига бир донадан нок истеъмол қилиш инсоннинг ортиқча вазндан қутулиши ва кўркам кўринишга эга бўлишига ёрдам берар экан.*



Диетологлар ўн йил давомида олиб борган тадқиқотдан сўнг ана шундай хулосага келишди. Унга кўра, ушбу меванинг таркибида ёғ, туз ва айниқса, холестериннинг йўқлиги, аксинча, одам организми учун жуда зарур бўлган калий ҳамда бириктирувчи тўқиманинг мўллиги озиш, кўринишни ёшартириш учун айни муддаодир.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

**БАРЧА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2015 йил 20 майдаги 50 (ЭДО-07/1-266)-сонли баёни**га асосан, республикадаги барча корхона ва ташкилотларда мамлакатимиз эришган ютуқлар ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини атрофлича етказиш мақсадида

**«Маънавият соат»лари ўтказиш кўзда тутилган.**

**«Маънавият тарғиботчиси»** таълим муассасаси сиз билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиб, «Маънавият соат»ларини ташкил этади.

**Профессор-ўқитувчилар ва ижодкор зиёлилар бизнинг йўлланмамиз билан бориб, ходимларингизнинг барча саволларига жавоб беришади.**

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 100019, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уй.**
**Электрон почта: malaka15@umail.uz**
**Телефон: (0-371) 239-10-88.**
**Факс: (0-371) 239-15-22.**

1786R/801

Хизматлар лицензияланган.

**«REAL AUKSION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан 2014 йил 28 октябрдаги 17849-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлимида сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 J 569 SA бўлган «Nexia» русумли техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 13 234 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 19 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Real auksion» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

1857A/28

Гувоҳнома № 006795

ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Навоий вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Нурота тумани СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2015 йил 2 октябрдаги 21-0602/658-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нурота тумани, Ғазғон қўрғонида жойлашган, «Карарамармар» шуъба корхонасига тегишли, ер майдони 1202 кв.м. бўлган 4-сонли ишлаб чиқариш цехи карьерлари, Италияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар ва бошқа ускуналар, «Ғазғонмармар» АЖга тегишли, ер майдони 1975 кв.м. бўлган маъмурий бино, ер майдони 1461 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи, ер майдони 956 кв.м. бўлган дўкон биноси, ер майдони 1338 кв.м. бўлган таъмирлаш биноси, ер майдони 794 кв.м. бўлган маиший хизмат уйи биноси ва 2 ва 3-автобазалар карьерлари бинолари мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 160 269 684 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2015 йил 30 декабрь куни соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 28 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Жасорат кўчаси, 24-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти худудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефонлар: (0-436) 224-44-01, 224-15-61. www.1kms.uz**

1850R/2

Лицензия: RR-0001.

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2015 йил 18 июндаги 10-1503/5367-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳрида жойлашган, фойдаланиш майдони 808,15 кв.м. бўлган гузар биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 000 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 30 декабрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АТИБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

1852A/24

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖда 2015 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан 2014 йил 16 февралдаги 10-1410/24130-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 116-уйда жойлашган, умумий майдони 2371 кв.м. бўлган цех биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 000 000 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

**Билдириш**

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 28 ноябрдаги № 230 (6413)-сонида чоп этилган хабарномадаги Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Кимёгар кўчасида жойлашган маъмурий бинонинг аукцион савдоси Сергели тумани СИБнинг 2015 йил 3 декабрдаги хатига асосан тўхтатилди.

**«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.**

1854A/34

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жамоаси Конституциявий суднинг раиси Бахтиёр Шамсутдинович Мирбобоевга опаси

**Азиза Шамсутдиновна МИРБОБОЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси вазир ўринбосари Шокир Насибуллаевич Файзуллаевга волидаи муҳтарамаси

**АЗИЗА онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компания бош таҳририяти ўқув ва илмий-оммабоп адабиётлар бўлими мудири, физика-математика фанлари номзоди

**Акбар Далабоевич БАҲРОМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўздавнефтгазинспекция" жамоаси Тошкент назорат-кимё лабораторияси бош мутахассиси Тўлқин Қиличевга падари бузруквори

**ВОИТ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Асосий Қонунимиз бугунги кунда юртимизда мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш, кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибида хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш, унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ишончли ҳуқуқий ҳамда қонунчилик пойдеворига айлангани алоҳида таъкидланди.*

*Дарҳақиқат, Конституциямизда ифодаланган тамойилларга мувофиқ, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар барча соҳада ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-бери давом этаётганига қарамасдан, мамлакатимизда иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётир. Мана бу рақамларнинг ўзиёқ кўп нарсани англатади: дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Кейинги 11 йилда, жумладан, жорий 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари барқарор равишда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда.*

*Эришилаётган муваффақиятларда, албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Сўнгги йилларда мазкур соҳани жадал ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишини кафолатлашга қаратилган қатор қонунлар, Президент фармонлари қабул қилинди. Уларнинг изчил ижроси туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги, айни пайтда аҳоли бандлигини таъминлашдаги улуши тобора ортиб бораяпти. Маърузада келтириб ўтилганидек, янги корхоналарни ишга тушириш ва фаолият кўрсатаётган объектларни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобидан юртимизда фақат охирги 5 йилнинг ўзида 5 миллионга яқин янги иш ўрни яратилди. Бу чуқур ва пухта ўйланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида “ўзбек модели” деб тан олинган тараққиёт дастури асосидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатларнинг ҳаётий ифодасидир.*

*Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнини кузатганда, банк билан тадбиркор ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бирига айлангани кўзга ташланади. Чиндан ҳам, молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредитлар корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш тадбирларини амалга ошириш, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иш ўринларини ташкил этишда катта мадад бўлаётир.*

*Хусусан, мамлакатимиз молия бозорининг етакчи муассасаларидан бири — “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқда.*

*Бугунги кунда мазкур банк 44 та филиали, 39 та минибанки, 49 та жамғарма кассаси ва 155 та шохобчаси орқали 1 миллиондан зиёд мижозларга хизмат кўрсатаяпти. Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, унинг ўз капитали 856,3 миллиард сўмга етказилди. Жами умумий активлари ҳажми эса 8,8 триллион сўмни ташкил қилмоқда.*

*Табиийки, “Ўзсаноатқурилишбанк” эришаётган бундай муваффақиятлар тақдим этилаётган хизмат турларининг кўплиги, сифати ва салмоғи ортиб бораётганлиги, ходимларнинг билим ва тажрибаси, энг асосийси, мижозга муносабати юксалаётганлиги билан боғлиқ. Замонавий банк хизматларини кўрсатаётган мазкур молия муассасасининг самарали фаолияти, мана, тўрт йилдирки, жаҳоннинг энг нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан ҳам муносиб баҳоланаётир. Қуйида “Ўзсаноатқурилишбанк” мижозлари билдирган фикр-мулоҳазалар ҳам фикримизни тасдиқлайди.*



## 6 ойда саккиз юз миллион сўмлик маҳсулот

Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасида бўлманг, қишлоқлар тобора чирой очиб, янада гўзал манзара касб этаётганининг гувоҳига айланасиз. Гап шундаки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилдан бошлаб, жойларда намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар барпо қилиш ишлари умумҳаракатга айланди. Бу эса тезда ўз самарасини бериб, шаҳардан қолишмайдиган янги массивлар юзага келиши билан бирга, сифатли ва арзон қурилиш материалларига бўлган талабнинг ошишига ҳам сабаб бўлди.

Айтмоқчиманки, корхонамиз ана шундай ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб ташкил этилди. Тўғри, дастлабки йиллар муайян қийинчиликларга ҳам дуч келдик. Ўшанда фаолиятимизга замонавий технологияларни татбиқ этиш мақсадида аниқ бизнес лойиҳа ишлаб чиқдик. Албатта, бунда банк мададига эҳтиёжимиз бор эди. “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Қашқадарё минтақавий филиали ходимлари билан маслаҳатлашдик. Улар ташаббусимизни қўллаб-қувватлашди.

Банк томонидан шу йил май ойида ажратилган 183 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағи эвазига энг замонавий қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган технологияни сотиб олдик. Ўтган олти ой мобайнида қарийб 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам улгурдик. Ўнлаб ёшларнинг ишли бўлиб, оилаларига қўшимча даромад киритганлигини айтмайсизми?! Бунинг устига, илгари аксарият қурилиш материаллари четдан олиб келинарди. Юртбошимизга раҳмат! Маҳаллий корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрликлари барчамизни бирдек мамнун қилди. Ҳозир қурилиш маҳсулотларининг маҳаллий корхоналар томонидан етказиб берилаётгани сабаб ҳам вақт тежалаяпти, ҳам уйларнинг таннархи ошмаяпти.

Биз бундан кейин ҳам “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳамкорлигида юртимизда бунёдкорлик ва яратувчанлик йўлида амалга оширилаётган улкан ишларга муносиб ҳисса қўшишга интилаверамиз.

**Улуғбек КЕНЖАЕВ,**
**«Priceless Invest» МЧЖ раҳбари.**
Қарши шаҳри

## Имконият ва изланиш натижаси

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринларини очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилидир. Шу боис Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда бундай субъектларни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биз ҳам яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтириш ва ривожлантиришни мақсад қилдик. Изландик, ўргандик. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, охирги пайтларда рақамли рентгенография ускунаси орқали тиббий текширувлар ўтказишга жуда талаб ошиб бораётган экан. Бундай ускуналар, асосан, Тошкент шаҳрида мавжуд бўлиб, вилоятимиз аҳолисининг зарур пайтда пойтахтга боришига тўғри келарди.

Лойиҳамизни ана шу жиҳатга қаратдик. Аммо сармоямиз етарли эмасди. Ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, яқин ҳамкоримиз — “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Фарғона минтақавий филиалига мурожаат этдик. Банк лойиҳамизни мақбул деб топди. Ажратилган 300 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига рақамли рентгенография аппарати харид қилиб, Фарғона шаҳридаги “Ёшларни соғломлаштириш маркази” биносига жойлаштирдик. Ушбу бино икки қаватдан иборат бўлиб, биринчи ва иккинчи қаватларида тиббий ташхис қўйиш билан шуғулланадиган “Фарғона тиббий диагностика” маркази жойлашган. Шу сабабли тиббий ускунамизнинг айнан шу ерда жойлаштирилиши беморларга қулайлик яратиш билан бир қаторда, улар учун вақтни тежаш имконини ҳам берди. Чунки беморлар бир жойнинг ўзида ҳамма керакли тиббий хизматлардан фойдаланадиган бўлишди.

Айни пайтда рентген диагностикаси билан бирга, биотест лабораторияси хизматини ҳам кўрсатиб келмоқдамиз. Лойиҳамиз ишга туширилиши билан ўнлаб янги иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда вилоятимиз аҳолиси кўрсатаётган тиббий хизматимиздан жуда мамнун эканликларини билдиришаяпти. Биз эса молиявий хизмат учун “Ўзсаноатқурилишбанк”дан мамнунмиз.

**Баҳодир САЛМОНОВ,**
**«Biotest Medikal» МЧЖ раҳбари.**
Фарғона шаҳри




## Йиллар давомида синалган ҳамкор

Мамлакатимиз иқтисодиётининг йилдан-йилга барқарорлашиб, аҳоли турмуш даражасининг тобора яхшиланиб бораётгани Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир. Мисол учун, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилаётган эътиборни олайлик. Ўтган давр мобайнида давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларнинг зарур ресурсларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини сотиши учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби жуда кўплаб қулайликлар жорий этилди. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий жабҳадаги фаоллиги ортиб бораяпти.

Жумладан, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз жамоаси яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, қатор ютуқларга эришмоқда. Бунда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Навоий минтақавий филиалининг салмоқли ҳиссаси бор. Мазкур молия муассасаси билан бир неча йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келамиз.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида жорий йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Навоий минтақавий филиали томонидан корхонамизга 185,3 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи берилди. Шунинг ҳисобига маҳсулот тайёрлаш ҳажми қарийб икки баробар ортди ва қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

Корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган алюминий профиллар, эшик ва ромлар сифатлилиги боис харидорларга манзур бўлаяпти. Бугунги кунда мамлакатимизда бунёд этилаётган кўплаб биноларда улардан кенг фойдаланилаётир.

Табиийки, эришилаётган ушбу ютуқлар билан кифояланмоқчи эмасмиз. Фаолиятимизни янада ривожлантириб, қўшимча иш ўринлари яратиш ниятидамиз. “Ўзсаноатқурилишбанк”дек ишончли ҳамкоримиз борлиги бизнинг ана шу мақсадларга эришишимизда муҳим молиявий асос бўлиб хизмат қилади.

**Мадамин ХАЛИЛОВ,**
**«Karmana eko plast» МЧЖ раҳбари.**
Кармана тумани

## Ишбилармонлик муҳити ва изчил фаолият

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳитини яратишга қаратилган изчил чора-тадбирларнинг амалга оширилиши биз, тадбиркорларнинг иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу эзгу саъй-ҳаракатларда юртимиз молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор.

Ўзимиздан қиёс. Кўп йиллардан буён “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ “Ал-Хоразмий” филиали мижозимиз. Корхонамизнинг иқтисодий ўсишида мазкур банк чинакам кўмакчи бўлмоқда.

Корхонамиз моддий-техника базасини янгилаш ва экспортни йўлга қўйиш мақсадида яхна ичимликлар ҳамда ўсимлик ёғини қадоқлашда зарур бўладиган ПЭТ капсула маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий технологияни сотиб олиш учун банкка мурожаат қилдик. “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг “Ал-Хоразмий” филиали томонидан Хитой Давлат тараққиёт банки кредит линияси орқали ПЭТ капсула маҳсулотларини ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш учун беш йил муддатга 1 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Натижада корхонамиз фаолияти янада кенгайиб, аввалгига нисбатан сифатлироқ, жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги ва рақобатдош маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Корхонамиз фаолиятида эришилаётган муваффақиятлар нафақат меҳнатимиз, балки давлатимиз томонидан яратилган имконият, имтиёз ҳамда банкнинг молиявий кўмаги самарасидир. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Ички бозорда харидоргир бўлиб бораётган корхонамизнинг рақобатдош маҳсулотларини экспорт қилиш борасида ҳам изланишлар олиб борилаяпти. Зеро, юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, “Ўзсаноатқурилишбанк” сингари банкларнинг молиявий кўмаги биз, тадбиркорларни юксак марралар сари руҳлантираётир.

**Моҳир МИРЗАЕВ,**
**«Absolut invest plast» МЧЖ раҳбари.**
Зангиота тумани

> Бугунги кунда мазкур банк 44 та филиали, 39 та минибанки, 49 та жамғарма кассаси ва 155 та шохобчаси орқали
> **1000000**
> дан зиёд мижозларга хизмат кўрсатаяпти.

## Мижоз манфаати ҳамиша устувор

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг кўп йиллик мижозиман. Шу боис мазкур молия муассасаси ўз мижозларига замонавий банк маҳсулотлари ва хизматларининг жозибадор турларини тақдим этаётганлигини ўз кундалик ҳаётимда кўриб турибман. Банкка мурожаат этувчи ҳар бир шахс хоҳиш-истагини тўла қондириш банк жамоасининг устувор вазифаси ҳисобланади. Зеро, ишонч кафолатландими, демак, мижозлар сафи кенгаяверади. Айтмоқчиманки, “Ўзсаноатқурилишбанк” барча юртдошларимизга янги-янги хизмат турларини таклиф этар экан, энг аввало, “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун”, деган тамойилга асосланади.

Яна бир гап. Агар ҳар бир фуқаро банкка қўйган маблағининг бутун сақланишига, ўз вақтида қайтарилишига ва уларга тўланадиган фоизларнинг барқарор бўлишига қанчалик ишонч ҳосил қилса, ўзининг вақтинчалик бўш пулларини банкда сақлашга, эвазига қўшимча даромад олишга қизиқиши шу даражада кучайиши табиий. “Ўзсаноатқурилишбанк” ўзининг самарали фаолияти билан биз, мижозларда худди шундай мустаҳкам ишонч уйғота олган молия муассасаси саналади.

Мазкур банкнинг яна бир афзаллиги ўзаро ҳисоб-китоб қилишнинг энг осон ва қулай усулларини ҳаётга татбиқ этаётганлигидадир, деб биламан. Банк коммунал ва бошқа турдаги хизматлар учун электрон тўловни амалга ошириш ҳамда интернет орқали доимий равишда шахсий ҳисоб рақамига киришга имконият берувчи қатор дастурларни жорий этмоқдаки, бу мижозларга беқиёс қулайлик яратаяпти. Мисол учун, “Уй банки” хизмат турини олайлик. Ушбу тизим ёрдамида шахсий пластик карточкани бошқариш ва ҳисоб варағидаги қолдиқ маблағлар ҳисобидан коммунал хизматлар, мобиль алоқа учун тўловларни масофадан туриб бемалол амалга оширишингиз мумкин.

**Ўктам УМАРОВ.**
Чилонзор тумани

**Ф. САНАЕВ тайёрлади.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Айни пайтда банк филиаллари мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудида фаолият юритмоқда. Ходимлар эса ўз муассасасига ташриф буюрган, мурожаат этган ҳар бир кишини хушмуомалалик билан кутиб олиб, тезкорлик билан юқори савияли банк хизмати кўрсатишга интилмоқда. Қолаверса, барча филиалда “Ишонч телефонлари” ишлаб турибди. Улар орқали мижозлар ҳар қандай масалада мурожаат қилишлари мумкин. Барча масалалар ўз вақтида ечилиб, ҳал этилади.*

*Мамлакатимизнинг энг йирик ва нуфузли тижорат банкларидан бири — “Ўзсаноатқурилишбанк”, бу — сизнинг банкингиз. Банк доимий равишда мижозлар ишончини оқлаб, уларга тақдим этадиган маҳсулот ва хизматларни такомиллаштириб бораверади. Зотан, инсон, унинг манфаати, турмушининг ободлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш мазкур банкнинг доимий диққат-эътиборидаги масала бўлиб қолаверади.*

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 20.50 1 2 3 4 5